



## Албатта, икковлари азобланмоқдалар, катта нарса учун азобланаётганлари йўқ. Ҳа! Улардан бири пешобидан покланмас эди. Бошқаси эса чақимчилик қилиб юрар эди

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки қабр ёнидан ўтдилар ва: «Албатта, икковлари азобланмоқдалар, катта нарса учун азобланаётганлари йўқ. Ҳа! Улардан бири пешобидан покланмас эди.

Бошқаси эса чақимчилик қилиб юрар эди.», – дедилар. Сўнгра нам шохни олидилар ва икки бўлдилар. Ҳар битта қабрга биттадан санчиб қўйдилар. Шунда саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, нима учун бундай қилдингиз?», – дедилар. Шунда «Қуруб қолгунча балки азобни енгиллаштирар», – дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки қабрнинг олдидан ўтдилар ва шундай дедилар: «Бу икки қабр эгалари азобланмоқдалар. Аллоҳнинг наздида катта бўлса ҳам сизларнинг наздингизда катта гуноҳ эмас. Улардан бири ҳожат ўтаётган вақтида бавлдан кийимини сақлашга эътибор бермас эди. Иккинчиси эса одамлар орасида чақимчилик қилиб юрар эди. Бировнинг сўзини унга зарар бериш, хилоф чиқариш ва одамларни бир бирларига қайраш учун кўтариб юрар эди».

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3010>

